

Ўзақдош Сўзлар Деривациясида Транспозициянинг Тутган Ўрни

Baxtiyarov Muxtorjon Yakubovich, PhD¹

Аннотация: Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларида келиб чиқишига кўра ўзақдош бўлган феъл, от ва сифат сўз туркумларининг деривациясида кузатиладиган транспозицион жараёнлар, уларнинг алламорфик ва изаморфик хусусиятлари очиб берилган шунингдек, қиёсланаётган тилларда ўзақдош сўзлар транспозицияси семантик деривация эканлиги ҳақида фикр юритилади. Мақолада қиёсланаётган тилларнинг ўзақдош сўзлар деривациясида транспозициянинг тутган ўрни чоғиштириш методи асосида ўрганилди ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятлари кўрсатиб берилди.

Калит сўзлар: ўзақдош сўз, алламорфик, изаморфик, деривация, транспозиция, семантик деривация, синтактик деривация, морфологик аспект, контаминация, деривацион потенциал, субстантивация, адвербиализация, вербализация.

Тилшунослик фанининг бугунги тараққиёт даврига қадар тил системаси билан боғлиқ жуда кўп муаммоли жараёнлар ўрганилиб, тадқиқ этилган. Бу ҳолатни умумий тилшунослик доирасида ҳам шунингдек, ўзбек тилшунослиги доирасида ҳам айтиш мумкин.

Тилда мавжуд бўладиган ҳар қандай янги сўз, ўзининг бошланғич шаклини нутқдан олади ва шу билан ясама сўзнинг нутққа қарамлиги ўз ниҳоясига етади. Ясалган сўзнинг кейинги ҳаёти нутқда давом этади, яъни ясама сўз маълум вақт давомида нутқий фаолият синовидан ўтганидан кейин ўзига тегишли аналогик шакллар парадигмасидан ўрин эгаллайди. Шу каби синовлардан тўлиқ ўтган дериватларгина тил бирлиги мақомини олади ва бошқа парадигмадошлари билан бирга тилни янги ясалмалар билан бойитувчи восита сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Тилшуносликда морфема термини жорий этилганига қадар сўз ясаиш ҳодисасининг талқини сўз маъноси ва шакллари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиб келинган. Морфемаларнинг алоҳида тил бирлиги сифатида ажратилиши сўз структурасидаги сўз ясовчи ва шакл ясовчи каби функционал қисмларни фарқлашда алоҳида аҳамият касб этган. Бунинг натижасида ўтган асрнинг 60-йилларига келиб сўз ясаишининг морфологик ҳодисалар билан боғлиқ алоҳида ҳодиса эканлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурила бошланди.

Сўз ясаиши биргина ясама сўз мақомидagi бирликларни вужудга келиш жараёнини ўзида акс эттириш хусусиятига эгаллиги билан характерланади. Ана шу хусусият сўз ясаишининг бошқа типдаги ясаиш ҳодисаларини ўзида тўла қамрай олмаслигидан далолат беради. Ушбу ҳолат эътиборга олинган ишларда тилдаги ясаиш жараёни билан алоқадор ҳодисаларни деривацион тамойиллар асосида тадқиқ этиш масаласи илгари сурилади.

Деривация тушунчаси бугунга қадар сўз ясаиши тушунчасининг мантиқий синоними сифатида қўлланиб келинган эди, чунки уларнинг асосий тамойили муштаракдир. Лекин сўз ясаиши ва деривация ҳодисаси бир-биридан тубдан фарқ қилади. Деривация сўз ясаишига нисбатан кенг қамровли тушунча эканлигини дериватология масалалари доирасида олиб борилган тадқиқот ишларида ва монографияларда ҳам кузатишимиз мумкин².

Шу ўринда айтиш жоизки, жаҳон тилшунослигида Л.Н.Мурзин синтактик бирликлар ясаишини синтактик деривация атамаси остида ўрганadi³. В.С.Храковский эса бу икки ҳодисани фарқлаб ўрганишга уринади⁴. Рус тилшунослигида синтактик деривация ҳодисасининг тадқиқига жиддий эътибор қаратилди ва бунинг натижасида турлича таҳлил усуллари истеъмолга киритилди. Буни Л.Н.Мурзиннинг тадқиқотларида аниқроқ кузатамиз. Олимнинг фикрига кўра, оддий гапдан мураккаб, нозлементар гапларни ҳосил қилишнинг асосий йўли контаминация бўлиб, у деривациянинг аҳамиятли жараёнларидан бири саналади. Унинг моҳияти шундан иборатки, тайёр гапларнинг ўзаро муносабати янги гапнинг ҳосил бўлишига олиб келади⁵.

¹ Doctor of filology, Uzbekistan state world Languages University

² Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990.

³ Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. – С. 124.

⁴ Храковский В. С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики. – Москва, 1973. – 492 с.

⁵ Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. – 124 с.

М.Косырева лексик ривожланишнинг деривацион жараёнларини когнитив жиҳатдан кўриб чиққан. Объект сифатида интернационал негизга эга бўлган рус, инглиз, немис, испан, итальян ва француз тилига оид ўзакдош сўзлар танланган⁶.

Тадқиқотимиз давомида дериватология масалаларининг бугунги кунда тилшуносликнинг барча сатҳларида кузатилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, дериватология муаммолари тилнинг бошқа сатҳларига нисбатан синтактик сатҳида тадқиқ этилиши фаолроқдир.

Ушбу тадқиқот ишида транспозицияга семантик деривация сифатида қарашлар ўрганилди. Транспозициянинг субстантивация, адвербиализация вербализация деб номланган турлари таҳлилга тортилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди. Шунингдек, транспозиция ва деривация жараёнлари мисоллар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг фарқи хусусиятлари чоғиштирма, дистрибутив ва қиёсий-типологик каби таҳлил усуллари асосида аниқланди. Тадқиқотнинг ўрганиш объекти сифатида инглиз ва ўзбек ёзувчилари асарларидаги ўзакдош феъл, от ва сифат лексик бирликлари белгиланди. Сифатларнинг нутқда сифатланмишсиз қўлланиб, от каби шаклга кириши ва гапда отлар каби номинал синтактик вазифаларни бажариш ҳодисаси тилшуносликда транспозиция деб аталади⁷. Транспозицияда янги сўзлар ясалмайди, бу жараёнда фақат бирламчи шаклда ўзаро алоқага киришаётган сўзлар нутқда ўзларининг иккиламчи белгиларини бошқа сўзда намоён этади. Масалан: *A duck* (ўрдак) – *to duck* (сувга шўнғимок); *a fish* (балиқ) – *to fish* (балиқ овламок); *an ape* (маймун) – *to ape* (кимнидир майна қилмок);

Ўзбек тилида: *қуён бўлмоқ*(қочмоқ), *пахта қўймоқ* (яхши кўриниш мақсадида лаганбардорлик қилиш), *айиқ* (дангаса, ландовур, тепса-тебранмас), *тулки* (айёрлик, вазиятдан устамонлик билан чиқиб кетиш).

Транспозиция – бу бир сўз туркумининг бошқа бир сўз туркумига кўчишидир. Лекин ўзакдош сўзлар ясалганда ҳар доим ҳам сўз туркумланининг грамматик категориал кўчиши кузатилмайди яъни, сўзлар бир сўз туркуми доирасида ўзакдошликни юзага келтиради. Айрим ўзакдош сўзлар бир неча сўз туркуми доирасида юзага келади. Ўзакдош сўзлар ясашидаги бу жараён транспозициянинг семантик деривацияси сифатида талқин қилинди.

Транспозицияни юзага келтирувчи ўзакдош сўзлар.

Инглиз тилида: Жадвал 1.

Сўз маъноси	От ёки сифат	Феъл
answer	answer (жавоб)	to answer (жавоб бермок)
book	book (китоб)	to book (қайд қилмок)
clean	clean (тоза)	to clean (тозаламок)
act	action (иш ҳаракати)	to act (ҳаракатланмок)
appeal	appeal (мурожаат)	to appeal (чорламок)
change	change (ўзгариш)	to change (ўзгартирмок)
cause	cause (сабаб)	to cause (сабабчи бўлмок)
command	command (буйруқ)	to command (буйруқ бермок)
doubt	doubt (шубҳа)	to doubt (шубҳаланмок)
cotton	cotton (пахта)	to cotton (танага ёпишиб турмок)
spot	spot (доғ)	to spot (пайқаб қолиш)
nose	nose (бурун)	to nose (хидламок)

Ўзбек тилида: Жадвал 2.

От	Сифат	Феъл
тошлок	тошсиз	-
тиним	тиниқ	-
пичоқ	пичоқсиз	пичоқламок
мардлик	номард	-
сувоқ	сувоқсиз	-
сўзчи	сўзсиз	сўзламок
бошлиқ	бошсиз	бошламок
чегарачи	чегарасиз	чегараламок
бўёқ	бўёқсиз	-
йўлчи	йўлсиз	йўлламок
гапчи	гапдон	гапирмок

⁶ М.Косырева

⁷ Ҳожиёв А.П. Ўзбек тили сўз ясашиш тизими. – Тошкент: O'qituvchi, 2007. – Б.115.

Луғатларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, ўзакдош сўзлар миқдори инглиз тилида жуда кўп эканлиги маълум бўлди. Рус тилидаги кучли синтетизм ва тилдаги агглютинатизм сўзларнинг функционал активлигини чеклаб қўйганлиги учун ўзбек тилида тахминан 20-30 минг атрофида ўзакдош сўзлар аниқланган бўлса, инглиз тилида 60-80 минг атрофида бўлиши кузатилди.

Деривацияни фаол ифодалашнинг синтактик усули сўз бирикмаси ва гап ярусига тааллуқли бўлиб, бу универсал усул ҳисобланади. Синтактик усул барча тиллар учун хос. Бунга ўзбек тилидан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: Энди пати *юлинади*, *ювилиб*, *тозаланиб* ошга *босилади*⁸; Озодлик офтоби нур сочиб турганда одамнинг қалбида бор энг яхши кучлар *уйғонса*, бу кучларга йўл *очилса*, эрк *берилса*, ана унда кишининг бутун умри хазонсиз бир гул бўлиб *очилади*⁹; Яқинда Антарктидада минераллашиб қолган торф *топилди* (Газетадан); Шу пайт кулогимизга от туғининг товуши эшитилди. Муюлишдан бир айғир ўқдек *отилиб чиқди*. Унинг орқасидан Мурад деган отбоқар *бақариб-чақариб* қувиб келарди.

Муҳсин жуда айёр (сифат). Айёр нима дейишни ўйлаб бир оз жим қолди(от).

Бу жуда сайроқи қуш(сифат). Сайроқиларини алоҳида парвариши қиламиз(от).

Фирмамга савияли ҳисобчи керак(сифат). Савиялилар кўчада ётмайди(от).

Нодир жуда сергап бола(сифат). Анали сергап яна гапни чувалаштиряпти-да(от).

Айрим тилшунослар бунинг деривацияга алоқаси йўқ, бу фақат вазифадошлик деб қарашади. Уларнинг фикрича, юкоридаги гапларда бирор ўзгариш содир бўлгани йўқ, фақат от ишлатилиши кутилган позицияда сифат қўлланмоқда, отнинг вазифасини сифат эгаллаб келмоқда. Аммо худди шу нарса, яъни бир позицияда турган бирлик ўрнига бошқа бирликнинг келиши, яъни позиция ўзгариш тилшуносликда транспозиция дейилади. Вазифадошлик бир сўз томонидан бошқа бир сўзнинг вазифаси бажарилишидир. Сўз бошқа бир сўз вазифасини бажариш учун позициясини ўзгартириш зарур. Транспозициянинг моҳияти ҳам шунда кўринади. Позиция ўзгармаса, янги функция бажарилмайди. Демак, айрим тилшунослар томонидан “вазифадошлик” ҳодисаси сифатида қаралаётган жараёни қайтадан кўриб чиқиш керак бўлади.

Юлиш – юлмоқ; очмоқ – очик; тоза – тозаланмоқ; топмоқ – топилма каби ўзакдош деривацион жуфтликлар ҳам шулар жумласига киради.

Инглиз тилидан мисоллар:

But the visitor was not to be drawn so easily (Лекин ташриф буюрувчини кизиқтириш унчалик осон бўлмади).

He didn't want to be fetched, he wanted to be taken home by someone who would impress even Mrs. Baines (У ўзини олиб кетишларини хоҳламас эди, у ўзини ҳатто миссис Байнсни ҳам ҳайратга соладиган киши уйига олиб кетишини хоҳларди).

There was not a soul to be found in the house, search as they would (Уйда бирор бир жон топилмади, улар хоҳлаганидек изланг).

He was certain that he would be caught, and he tried to imagine what untold horrors would amid him if he were brought before the Home Committee (У қўлга тушишига амин эди ва у уй комитетига олиб борилганида бошига қандай даҳшатлар тушишини тасаввур қилишга уринарди).

We are taught, Miss Sauders, to pay first attention to our own soul (Мисс Сандерс, биз асосий эътиборни ўзимизникиларга қаратишга ўргатилганмиз).

His modest farm was set in a lonely spot two miles from the village, seven miles from the town and fifteen from market. (Унинг камтарона фермаси қишлоқдан икки чақирим, шаҳардан етти чақирим ва бозордан ўн беш чақирим нарида жойлашган эди).

“Who would mind? We shall be very pleased”. “Ким қарши? Биз жуда мамнун бўламиз”.

I need not say that such a breach of confidence is unthinkable and these records will be separated and destroyed now that my friend has time to turn his energies to the matter (Бундай дахлсизликни бузиш ақлга сиғмаслиги ҳақида гапириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман ва бу ёзувлар ажратилади, бузиб ташланади, чунки менинг дўстим бу борада ўз кучини сарфлашга тайёр).

(To catch – a catch; to marry – a marry; to please – please; to separate – separate, to think – thinkable (unthinkable), to turn – a turn, to need – a need, to imagine – imagination, to confidence – confident, to record – a record).

But all of them who are willing to work *will be welcomed* by the state and will be at once employed helping either to produce or distribute the necessaries and comforts of life.

She'll be starved and tortured and humiliated (У оч қолдирилади, қийноққа солинади ва хўрланади).

⁸ Умарбеков Ўлмас. Одам бўлиш қийин. – Тошкент: Ёшлар, 2018. – 212 б.

⁹ Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 656 б.

Briefly, two British teenagers, a boy and a girl, *have been found dead one murdered*, the other either *murdered* or a suicide case (Қисқача айтганда, икки британиялик ўсмир – бир ўғил ва бир қиз, бири ўлдирилган иккинчиси ҳам ўлдирилган ёки ўз жонига қасд қилинган ҳолатда топилган).

The student flying it *had been killed* (Уни учираётган талаба ўлдирилган).

To murder – a murder; to kill – a kill; to torture – a torture; to humiliate –humiliation; to welcom – a welcome; to starve – starvation; to die – death, dead ўзакдош транспозицион жуфтликлар шулар жумласига киради.

Three men *had been wounded and one killed*. No weapon near her, Watson mark that! The crime seems to *have been committed late* in the evening, and the body was found by a game keeper about eleven o'clock, when it was examined by the place and by a doctor before being carried up to the house". (Уч киши яраланган ва битмаси ўлдирилган. Унинг ёнида қурол йўқ, Ватсон буни аниқлайди! Жиноят кечкурун содир этилганга ўхшайди. Жасад уй бошқарувчиси томонидан соат чамаси ўн бирларда, доктор уй ичига олиб кирилишидан олдин, у жойни кўздан кечирган пайтда топилганди).

It might have been considered beautiful at one time (Бир вақтлар бу гўзаллик деб ҳисобланган бўлиши мумкин).

... *it was not to be thought of* and it was not necessary (... бу ҳақда ўйламаслик керак ва шарт ҳам эмас).

Кўринадики, юқорида келтирилган гапларда ўзакдош сўзлар жуфтликлари билан берилган.

Худди шу ҳолатларни биз куйидаги: *to accuse (v) - accusation (N); to bore (v) - boring (adj); to talk (v) - talkative (adj); to separate (v) - separate (adj); to please (v) - pleased (adj); to destroy (v) - destroyed (adj); to welcome (v) - a welcome (N); to kill (v) - a kill (N); a wound (N) - wounded (adj)* каби деривацион жуфтликларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Yet another *suffered the pain of personal rebuke* (Яна бири танбех бериш азобини бошдан кечирди).

The despair of Mr. Marvel's face *deepened* and his face *slackened* (Жаноб Марвелнинг юзидаги тушқунлик янада чиқурлашди ва унинг юзи бўшашиди).

Once his outstretched hand *slowly dosed*, then opened (Унинг чўзилган қўли бир марта оҳиста пасга тушиди, кейин очилди).

Бу ерда биз ўзакдош сўзлардан иборат куйидаги деривацион жуфтликларни кўришимиз мумкин: *Инглиз тилида: To deepen (v) - deep (adj); to slacken (v) - slacker (N); to close (v) - close (adj); to break (v) – a break (N) - breakable (adj); to examine (v) - examine (N); to build (v) - building (N); to room (v) - a room (N).*

Ўзбек тилида: *тозаланди (фeъл) - тоза (сифат).*

Ўзакдош деривацион жуфтликларда умумийликнинг синтактик ярусдаги асосий маркерлари инглиз тилида *together* ўзбек тилида *бирга, қўшилиб* каби сўзлар билан ифода этилади. Масалан: *We only roomed together* about two months.

Josephine and Constantine sprang to their *feet together*.

a room – to room; a spring – to spring каби ўзакдош сўзларда феъллашув кузатилади.

Фаоллик категорияси от, сифат ва бошқа ўзакдош сўз туркумлари воситасида ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, инглиз тилида: *able - қобилиятли, уddaбурон, brave - жасур, қўрқмас, fight - уришиш, fierce - шиддатли ва бошқалар*; ўзбек тилида: *мард, куч, бардам, хандон* ва бошқалар.

Инглиз тилида шу каби ўзакдош сўзлар куйидагилардир: *antecedent - олдида келувчи, бошлаб берувчи, antedate - аввалги вақт билан белгиламоқ, anticipate - олдиндан сезмоқ, befriend - ёрдамлашмоқ, bewilder - ҳижолат қилмоқ, discompose - парчаламоқ, enrich - бойитмоқ, forgive - гуноҳидан ўтмоқ, overcome - енгмоқ, outbrave - устун чиқмоқ, transform - бошқа нарсага ёки шаклга ўтказмоқ, enclose – илова қилмоқ, underfeed – оч қолдирмоқ, equalize - тенглаштирмоқ, classify - таснифламоқ, гур-ухламоқ, commemorate - нишонламоқ, байрам қилмоқ.¹⁰*

Деривацион жуфтликлар билан ишлатилган феълларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар осонгина мажхул шаклга ўта олади. Масалан: *blame - to be blamed, bite - to be bitten*.

Ўзбек тилида ўзакдош деривацион феълларга куйидаги сўзлар киради: *алдамоқ, солмоқ, бақирмоқ, айтмоқ, ичмоқ, ишламоқ, чиқмоқ, кесмоқ, сотмоқ, қуймоқ, тўғрамоқ, оқмоқ, эзмоқ, эгмоқ, эламоқ, тиламоқ, сўрамоқ, гажимоқ, қўзгамоқ, қамамоқ*. Масалан, алдамоқ – алдов – алдоқчи; бақирмоқ – бақириниш – бақирок ва х.к.

Ўзбек тилидаги ўзакдош феъллар осонликча актив – пассив трансформацияга кира олади: *алдамоқ – алданмоқ, солмоқ – солинмоқ, эзмоқ – эзилмоқ, эгмоқ – эгилмоқ* ва бошқалар. Масалан: Меҳмонлар бирдан ўринларидан *турдилар* ва Эшоннинг ўғлига “Бошласинлар” дея ишорат этдилар. (Ойбек). Умарали кабоб устидан бир-икки пиёла аччиқ чой *ичди* (Ойбек).

Фаоллик категорияси от, сифат ва бошқа ўзакдош сўз туркумлари воситасида ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан,

¹⁰ Marchand H. Expansion, Transposition, Derivation // La Linguistique. – 1967. – N. 1.

инглиз тилида: *able* - қобилиятли, *уддабурон*, *brave* - жасур, *қўрқмас*, *fight* - уришиш, *fierce* - шиддатли ва бошқалар; ўзбек тилида: *мард*, *куч*, *бардам*, *хандон* ва бошқалар.

Инглиз тилида шу каби ўзакдош сўзлар қуйидагилардир: *antecedent* - олдида келувчи, бошлаб берувчи, *antedate* - аввалги вақт билан белгиламоқ, *anticipate* - олдиндан сезмоқ, *befriend* - ёрдамлашмоқ, *bewilder* - ҳижолат қилмоқ, *discompose* - парчаламоқ, *enrich* - бойитмоқ, *forgive* - гуноҳидан ўтмоқ, *overcome* - ензмоқ, *outbrave* - устун чиқмоқ, *transform* - бошқа нарсага ёки шаклга ўтказмоқ, *enclose* – илова қилмоқ, *underfeed* – оч қолдирмоқ, *equalize* - тенглаштирмоқ, *classify* - таснифламоқ, *guy*-ўхламоқ, *commemorate* - нишонламоқ, байрам қилмоқ.¹¹

Кўринадики, ҳар икки тилда ўзакдош феъллар тилларнинг раван лексикасига киради, бунинг натижасида контекст талабига мос равишда феълдан отга, отдан феълга ўтиши мумкин.

Тадқиқотимизда инглиз ва ўзбек тилшунослигида янги сўзларни яшаш ёки ўзлаштириш учун имплицит ва эксплицит жиҳатдан таъсир кўрсатувчи ўзига хос белгилар, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий-типологик методлар асосида атрофлича таҳлил қилинган. Табиий тилларнинг лексик-семантик, синтактик, морфологик ва лингвопрагматик сингари лингвистик жиҳатлари бир-биридан турли даражада фарқ қилиши сабабли бир неча тиллар таркибида ўзаро қиёслаб ўрганилиши натижасида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш билан бирга улардаги умумийлик жиҳатлар ҳам эътироф этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тадқиқот натижалари тилшуносликда ўзакдош сўзлар деривацион потенциалида кузатиладиган транспозицион жараёнлари ва уларнинг реализация қўламини аниқлашда ҳамда мавжуд вариантлар қатлаמידан тўғри элементни танлаб олиш критерияларини ишлаб чиқишда шунингдек, хорижий тилларни турли босқичда ўрганувчилар учун мукаммаллашган ўқув-услубий адабиётларнинг яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Турниязов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990.
2. Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. – С. 124.
3. Храковский В. С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики. – Москва, 1973. – 492 с.
4. Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984. – 124 с. М.Косырева
5. Ҳожиёв А.П. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. – Тошкент: О'қитувчи, 2007. – Б.115.
6. Умарбеков Ўлмас. Одам бўлиш қийин. – Тошкент: Ёшлар, 2018. – 212 б.
7. Пиримкул Қодиров. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 656 б.
8. Dreiser T. An American Tragedy. –New York: Signet Classics: 2000. – 859 p.
9. Wells H.The Invisible man. – Leningrad: Prosveshenie, 2014. – 354 p.
10. Marchand H. Expansion, Transposition, Derivation // La Linguistique – 967. – N. 1.

¹¹ Marchand H. Expansion, Transposition, Derivation // La Linguistique. – 1967. – N. 1.